

# Qishloq hayoti

2019 йил **Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**

O'zbekiston Respublikasi  
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 18-may, shanba 38 (9005)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХВЖ БОШҚАРУВЧИ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 17 май куни расмий таширф билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагардни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармаси ўртасидаги амалий мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

2017 йилнинг сентябрида Нью-Йорк шаҳрида ва жорий йил апрель ойида Пекин шаҳрида ўтган икки томонлама музокаралар самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва янада кенгайтиришга хизмат қилгани таъкидланди.

Бугунги кунда жамғарма мамлакатимизда илгор халқаро таъриба ва билимлар асосида кенг миқёсли ислоҳот ва янгиланишлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда муҳим шериклардан бири экани алоҳида қайд этилди.

Кейинги икки йилда жамғармадан жалб этилган техник кўмак ҳажми сезиларли даражада ортди: мамлакатимизга ХВЖнинг 14 миссияси ташриф буюрди, солиқ ва молия соҳалари бўйича етакчи халқаро консультант ва экспертлар жалб этилди.

Жамғарма кўмағида Ўзбекистон ХВЖ статистика маълумотлари тарқатишнинг умумий тизимига қўшилди, Марказий банк ва валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонунларнинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди, янги Солиқ сисемаси ва маъмуриятчилиги концепцияси ва бошқалар жорий этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Халқаро валюта жамғармасининг ҳамкорлиги истиқболлари батафсил муҳокама қилинди ва бу борадаги устувор йўналишлар белгилаб олинди.

Пул-кредит ва солиқ-бюджет сисемасини такомиллаштириш, монетар сисеманинг самарали воситаларини жорий этиш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда бошқа йўналишларда фаол ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, ХВЖ бошқарувчи директори Ўзбекистонга ташриф билан келиш таклифи ҳамда самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди. Кристин Лагард жамғарма мамлакатимизда барча тармоқ ва йўналишларни қамраб олган ҳолда фаол амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолашини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда яши қўшничиликни мустақамлаш ва ўзаро ишончни ошириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги сазй-ҳаракатлари алоҳида қайд этилди.

Учрашув якунида Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси мамлакатимизда самарали ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашини давом эттиришга тайёр эканини тасдиқлади.

ЎзА

### Кристин ЛАГАРД:

## ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ТАЙЁР

**Халқаро валюта жамғармаси бошқарувчи директори Кристин Лагард давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг ЎзА мухбирига интервью берди.**

— Президент Шавкат Мирзиёев билан суҳбатимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ташаббуслар, инвестиция жалб қилиш учун яратилган имкониятлар хусусида бўлди.

Қайд этиш жоиз, сўнги йилларда Ўзбекистонда барча соҳаларда қатор икновий ўзгаришлар, самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу аввало одамлар учун муносиб турмуш шароити яратишга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган сазй-ҳаракатларда намоён бўлмоқда. Шунинг баробарида ёш авлодга эътибор қаратилиб, таълим тизимида илгор таърибалар жорий этилмоқда. Бу келажак учун киритилган муҳим инвестициядир.

Ўзбекистонда олиб борилаётган бу каби янгиланишлар бевосита Президент Шавкат

Мирзиёев номи билан боғлиқ. Ўзбекистон бугун ривожланишнинг янги босқичида одамламоқда. Иқтисодиёт либераллаштирилиб, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари тобора фаоллашиб бораётир. Шу билан бирга, жадал ўзгаришларни, хусусан, инвестицион муҳитни янада яхшилаш, солиқ ислоҳотлари, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларни давом эттириш даркор.

Кўнгли очик, меҳнаткаш ва меҳмондўст халқингиз ҳам ушбу ўзгаришларга хайрихоҳ, эртанги кунига ишонч билан қарамоқда. Ана шундай орзу-интилишларни рўёбга чиқаришда Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонни қўллаб-қувватлашга, амалий кўмак кўрсатишга тайёр.

**ЎзА мухбири Улугбек ШОНАЗАРОВ эътибор олди.**

## ҲУДУДЛАРДА ИСЛОҲОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида 16-17 май кунлари Андижон вилоятида бўлди.**

Андижон вилояти ҳокимлигида Президент раислигида фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Андижон вилоятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, ўтган йили ялпи ҳудудий маҳсулот 12 фоиз, жалб этилган инвестициялар ҳажми 19 фоиз ўсган. Жорий йил биринчи чорақда ҳам юқори суръат қузатилди.

Шунга қарамай, ҳали вилоятда ишга солинмаган имкониятлар кўплиги, иқтисодиёт замон талаблари асосида диверсификация қилинмагани таъкидланди. Жумладан, саноат маҳсулотининг 80 фоизи Асака тумани ва Андижон шаҳрига тўғри келади. Бошқа туманларда саноат деярли ривожланмаган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Андижон вилоятида 2019-2020 йилларда амалга ошириладиган қиймати 25 триллион 181 миллиард сўмга тенг 908 лойиҳадан иборат инвестиция дастури ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳалар доирасида 1,7 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий сармояни ўзлаштириш, 35 мингдан зиёд иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истаги бўлган

оилаларни аниқлаб, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида 420 миллиард сўмлик имтиёзли кредит ажратиш белгиланди.

Йиғилишда ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Андижон шаҳрида 14 та кўп қаватли арзон уй ва кўплаб тижорий асосдаги уйлар, қишлоқ жойларда 224 та намунали уй-жой ва 56 та кўп қаватли арзон турар жой қурилиши маълум қилинди.

Президентимиз вилоят аҳолиси ўсиб бораётгани яна кўплаб уйлар қуриш ва қўшимча иш ўринлари очиб, ижтимоий ва коммунал хизматлар ташкил этишни талаб қилишини, демак, тегишли вазирликлар ва вилоят раҳбарлари узоқни кўзлаб иш юритиши зарурлигини таъкидлади.

Қанчалик оғир бўлмасин, ислоҳотларни барча жойда бир хил олиб бориш қийин. Чекка жойларни қўйиб туриш, ҳатто вилоят марказларида ҳам ҳанузгача шўро даври манзарасини берадиган маҳаллалар, кўчалар учрайдди.

Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласини ҳам ўз номига монанд деб бўлмайдди. Бу ерда ачинарли

аҳволда яшаётган оилалар учун Хўжабод тумани Хидирша массивидан 54 гектар ер ажратишиб, Мустақилликнинг 27 йиллиги маҳалласи барпо этилаётгани ҳақида хабар берилган эди.

Давлатимиз раҳбари 16 май куни янги маҳаллада бўлиб, бу ерга кўчиб келаётган оилалар учун яратилган шароит билан танишган, бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди.

Шавкат Мирзиёев 17 май куни Андижон шаҳрининг Мустақиллик маҳалласига бориб, бу ердаги ҳақиқий аҳвол билан танишди.

5 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайдиган бу маҳалла ҳеч қандай шароит йўқлиги боис, шаҳарнинг оғрик нуқталаридан бирига айланган қолган эди. Кўчаларга машина сизмайдди, қаерга қарамагн торлик, пастқамлик, захлик, қўланса ҳидда чидаб бўлмайдди. Қачондир муқаррар кўчиш кайфиятидаги одамлар ҳатто девор, дарвоза, эшик-ромларни бўйлаб ҳафсала қилмайдди, ўт-ўлан қовжираган ҳовлисида қарамайдди.

Президентимиз эски барак шаклидаги ҳовлиларда яшаётган одамлар билан суҳбатлашди.

Бундай шароитда кун кечиришнинг ўзи бўлмайдди. Айниқса, болалар шу шароитда яшаб келаётгани аянчлидир. Андижонда ер масаласи жуда оғир. Бу ерга келишимиздан мақсад одамлар турмуши билан танишиш, ҳамма оилалар учун яхши шароит яратиш бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТўҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 17 май куни Қозоғистон Республикаси Президентини Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини таваллуд куни билан самимий қутлаб, мустақам соғлиқ ва давлат хизматидеги фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади.

Олий даражадаги мунтазам ва самарали мулоқотлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларининг жадал ривожланиши ва изчил мустақамланиб боришига хизмат қилаётгани чуқур мамнуният билан қайд этилди.

Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил апрель ойидаги Ўзбекистонга илк давлат таширфи савдо-иқтисодий, инвестиция ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги амалий ҳамкорлик, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш учун кенг имкониятлар очгани алоҳида таъкидланди.

Президентлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат сўнггида давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевга жорий йил 9 июнда бўладиган Қозоғистон Президентини сайлов муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎзА

**Пойтахтимизда 18-19 май кунлари Москва давлат халқаро муносабатлар институтини (МДХМИ) битирувчиларининг V форуми бўлиб ўтади. Анжуман меҳмонлари қатори институт ректори, РФА академиги Анатолий Торкунов ҳам Тошкентга етиб келди. Шу муносабат билан Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида матбуот анжумани ўтказилди.**

## ФОРУМ ҚАТНАШЧИЛАРИ ОАВ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Илҳом Нейматов йиғилганларга форум дастури ҳақида маълумот бериб, кейинги йилларда Ўзбекистон – Россия муносабатлари янги аҳволда жадал ривожланаётганини таъкидлади.

МДХМИ ректори Анатолий Торкунов МДХМИ битирувчиларининг V форумини ўтказиш учун бир қатор давлатлар даъвогарлик қилгани, ташкилотчилар эса бир овоздан Ўзбекистонни танлаганини қайд этди. Зеро, бугунги кунда юртдошларимизнинг бир неча авлоди вакиллари нафақат маъруз олий ўқув юрти битирувчилари, балки халқаро жамоатчилик орасида ҳам муносиб ўрин эгаллайди. Қолаверса, бу жамоани Тошкент

билан узоқ йиллик самимий муносабатлар боғлаб туради. 1966 йилги зилзила оқибатларини тугатишда институт талабалари ва ўқитувчилари фаол иштирок этган.

А.Торкунов сўзи якунида Тошкентда очилиши режалаштирилаётган МДХМИ филиали ва унинг битирувчилари мавжуд аънаналарни муносиб давом эттиришига ишонч билдирди.

Матбуот анжуманидан сўнг меҳмонлар И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейининг кўчма кўргазмасини томоша қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси А.Абдувахитов иштирок этди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎзА мухбири.**



## Йиллик қуввати 300 тонна бўлган замонавий иссиқхона

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани Зарбдор қишлоғидаги “Мўъжиза агро-саноат сервис” шўъба корхонаси қошидаги иссиқхонада помидор, бодринг етиштириш йўлга қўйилган. Замонавий иссиқхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 300 тонна.

Иссиқхона ўтган йили “Асакабанк” вилоят филиали кўмағида ташкил этилган. Умумий экин майдони 10,5 гектардан иборат. Иссиқхонада 15 нафар вакил доимий ва 40 киши мавсумий иш билан банд.

Айни пайтда парваришдаги помидор мўл ҳосилга кирган. Маҳсулот қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.


## “Gissar Effect” эффементи

**Ота-боболаримиз тарвуз эккан пайтда тарвуз пишиди**

Собиқ тузум даврида республикамиздаги райком секретарларидан бири катта мажлисда бир туман агрономини “Бунга қўйиб берсанг, май ойида тарвуз пишираман (етиштираман) дейди. Шунақаям ахмоқ агроном бўладими”, деган экан.

Балки ўша пайтда май ойида “тарвуз пишибди”, деган гапни айтган одамни росмана жиннига чиқаришгандир. Лекин бу гаплар бугун айни ҳақиқатга айланди. Юртимизда тадбиркор-фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа

ер эгалари учун яратилаётган имкониятлар ва имтиёзлар бундай натижаларга асос бўлмоқда. Дарҳақиқат, соҳага инновацион технология ва замонавий усулларнинг жорий этилиши, деҳқончилик маҳсулотларини йилнинг



исталган фаслида етиштириш имконин бераётир. Экин майдонларини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхши-

лаш мақсадида яқинда Чироқчи туманида фаолият бошлаган вилоят Тарвуз-қовун етиштирувчилар уюшмасида полиз экинлари етиштиришни устаган фуқаролар учун барча услубий ёрдамлар, техникалар, уруғликлар ва препаратлар ҳамда зарур воситалар мавжуд бўлиб, бугунги кунда ана шу яратилган шарт-шароитлар самара бера бошлади.

Бу йил қашқадарёлик меҳнатсевар деҳқонлар далага уруғ қандаш фурсатини кутиб ўтирмасдан, иссиқхоналарда тарвуз уруғини муддатидан аввалроқ экиб, ота-боболаримиз тарвуз экишни бошлаган паллада етилган ҳосилни йиғиштириб

олишга эришди. Аҳамиятлиси, ушбу маҳсулотлар нафақат ички бозорларга, балки экспортга ҳам чиқарилаётир.

Чироқчи туманидаги “Gissar Effect” масъулияти чекланган жамиятида бу йил деҳқончилик юмушларига эрта киришилган эди. Ўтган йилнинг декабрь ойида бир гектар ерга махсус тайёрланган иссиқхонада уруғлар қадалиб, май ойидаёқ биринчи ҳосил – 4 тоннадан зиёд тарвуз йиғиштириб олинди. Қувонарлиси, маҳсулот қўшни мамлакатларга экспорт қилинди. Келгусида эса, 20 тоннагача ҳосил олиш мўлжалланмоқда.

(Давоми 4-саҳифада)

# ХУДУДЛАРДА ИСЛОХОТЛАРНИ БИР ХИЛ СУРЪАТДА АМАЛГА ОШИРИШ, ОДАМЛАР УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ – АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Маҳалла вакиллари баҳаво адирликдан жой ажратилиб, барча шароитлари мавжуд бўлган қурилаётгани ва оилалар кўчирилаётганидан жуда мамнун эканини алоҳида таъкидлади.

Аввал маълум қилинганидек, Мустақиллик маҳалласи ўрнида, Бобуршоҳ, Амир Темуру ва Навоий шожўчаларининг кесиммасида “Andijon city” ишбилармонлик маркази барпо этилади.

Президентимиз бу қурилишда ҳар бир қарич ердан оқилона фойдаланиш, кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлади.

Худди “Toshkent city” даги сингари бу ерда ҳам уйлар ва офислар савдоси билан шуғулланувчи кўргазма ташкил этиш зарур. Одамлар келиб кўрсин, шунда кизиқиши ортади. Бу шаҳарча яна икки йилдан сўнг Андижоннинг кўз-кўз қиладиган жойи бўлади, деди давлатимиз раҳбари.

Мамлакатимизда таунхаус услубидаги массивлар қурилиши лойиҳалари ишлаб

чиқилган. Президент таклифи билан Андижон вилоятида аҳоли яшаш шароитини яхшилаш энг долзарб масалалардан бўлгани боис, биринчи бўлиб шу ҳудудда бундай уйларни қуришни бошлаш режалаштирилмоқда.

“Qorako'l stroy engineering” масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиққан лойиҳага кўра, 7,5 гектар ерда 108 та таунхаус услубидаги уй, 9 та 5 хонали ва яна шунча 3 хонали коттежлар, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат шохбчалари қурилади.

Энг муҳими, ушбу массив ўзининг сувни тозалаш, канализация иншооти, сув иситиш станцияси, кичик электр станцияси, кўёш электр станциялари, савдо ва маиший хизмат шохбчалари қурилади.

Тақдимот чоғида таунхаус уйлари аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Бу уйлар – келажак уйлари.

Кирраларини чуқур ўргатиш, истеъдодли ижодкорларни тарбиялаш таклифини илгари сурган эди. Шу асосда 2017 йил 25 июлда Вазирилар Маҳкамасининг “Андижон шаҳрида Муҳаммад Юсуф номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириш ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ва Муҳаммад Юсуфнинг биости ўрнатилган хиебонни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Андижон шаҳрининг Амир Темуру кўчасида шоир номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириш ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва шоирнинг биости ўрнатилган хиебон барпо этилди. Бугун мақсуд мактабда 150 нафар озқорли йигит-қиз таълим олмақда.

Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси, ҳайкалтарош Шохруҳбек Ўрозов томонидан яратилган бюст ва икки фаввора, манзарали гул ва дарахт кўчатлари ўтказилган хиебон Андижон шаҳрининг кўрғида қўриқиб, ёш ижодкорлар тўп-ланадиган адабий-бадий мас-кланларидан бирига айланган.

Давлатимиз раҳбари 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номидаги мактаб ташкил этиш, ёшларга унинг ижодини, ўзбек адабиётининг

ҳаммининг кўз ўнгиди очди ва бюллетенлар бирма-бир назоратдан ўтказилди. Саноқ натижаларига кўра, номзод Уктам Шойикулов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, раис маслаҳатчилари, уларнинг асосий йўналишлари, шунингдек, тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш учун навбатдаги йиғилишни ўтказиш санаси ҳақида аҳоли хабардор қилинди.

Мухим сиёсий тадбир Вобкент туманидаги “Латифсубунгар” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам пухта тайёргарлик асосида ўтди. Фуқаролар йиғини худудидаги 6 та қишлоқда 5000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улардан 3385 нафари сайлаш ҳуқуқига эга. Сайлов тўғрисидаги қонун талабларига асосан, умумий сайловчилар сонининг 12 фоиздан кам бўлмаган 380 нафар вакили жараёнларда бевосита иштирок этди.

Янги сайланадиган маҳалла раиси фуқароларнинг кундалик ҳаётида муҳим

Президент мактаб-интернат ўқитувчи ва ўқувчилари билан мулоқот қилди. Муҳаммад Юсуфнинг ижодий фаолияти, мактабда ўқиган кезлари фойдаланган ўқув қуроллари, суратлар жой олган музейда бўлди. Ўқувчилар шоир шеърлари ва ўз ижод намуналаридан ўқиб берди.

Муҳаммад Юсуф халқчил шоир эди. У қисқа умри давомида катта маънавий мерос қолдириб кетди. Ватан ҳақида содда тил билан ёзган самимий шеърлари доимо қалбимизда сақланиб қолади. Энг катта бойлик – бу маънавий бойлиқдир. Шунинг учун ёшларимиз доимо ўқиши, изланиши лозим. Ҳамма нарса ўткинчи. Лекин билим ҳеч қачон йўқолмайди. Билимли одам ҳеч қачон хор бўлмайди. Шунинг учун сизлар ўқиб, изланишдан тўхтамаслигингиз керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга мактаб-интернат ўқувчилари учун автобус ажратиш, бошқа вилоятлардаги ижод мактабларига бориб, тенгдошлари билан мулоқот қилишига кўмаклашиш, вилоят телевидениесида ўқувчилар иштирокиде кўрсатувлар тайёрлаш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи якунига етди.

ЎЗА

## Бухоро вилояти

# Муносиб номзодлар сайланмоқда

**Маҳалла раиси лавозимига сайлов ўтказиш бўйича амалдаги тартиб ва мавжуд қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда, Қорақўл туманида ҳам муносиб номзодларни танлаш жараёнига катта тайёргарлик кўрилди. Фаол аҳолининг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ҳар жиҳатдан ўрганиб чиқилди. Тумандаги “Солор” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига ўтказилаётган сайлов жараёнида бевосита иштирок этдик.**

Худудда айна пайтда 1408 нафар сайлаш ҳуқуқига эга аҳоли истиқомат қилади. Улар туманда барча жабҳаларда етакчилар қаторидан ўрин олиб бораётган маҳаллага бугунги ислохотларнинг моҳиятини чуқур ҳис қила оладиган раис керак эканлигини яхши билади. 169 нафар ваколатли вакиллар айна шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар. Тумандаги 5-умумтаълим мактабда ташкил этилган ижтимоий-сиёсий жараёнда кузатувчи сифатида худуднинг сектор раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам бевосита

иштирок этишди. Дастлаб сайловда йиғилиш раёсати ҳамда овоз бериш ваколатига эга вакиллар орасидан саноқ комиссияси аъзолари сайлаб олинди. Шундан сўнг “Солор” маҳалла фуқаролар йиғини раислигига номзодлар сайловчиларни ўз дастурлари билан таништирдилар. Сайловолди дастурларига алоҳида эътибор қаратган вакиллар аширин овоз бериш йўли билан ўзлари муносиб, деб билган номзодга овоз беришди. Аҳамиятли томони, жараён ниҳоясида саноқ комиссияси сайлов қутисини

ҳаммининг кўз ўнгиди очди ва бюллетенлар бирма-бир назоратдан ўтказилди. Саноқ натижаларига кўра, номзод Уктам Шойикулов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, раис маслаҳатчилари, уларнинг асосий йўналишлари, шунингдек, тафтиш комиссия аъзоларини сайлаш учун навбатдаги йиғилишни ўтказиш санаси ҳақида аҳоли хабардор қилинди.

Мухим сиёсий тадбир Вобкент туманидаги “Латифсубунгар” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам пухта тайёргарлик асосида ўтди. Фуқаролар йиғини худудидаги 6 та қишлоқда 5000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Улардан 3385 нафари сайлаш ҳуқуқига эга. Сайлов тўғрисидаги қонун талабларига асосан, умумий сайловчилар сонининг 12 фоиздан кам бўлмаган 380 нафар вакили жараёнларда бевосита иштирок этди.

Янги сайланадиган маҳалла раиси фуқароларнинг кундалик ҳаётида муҳим

ўрин тутадиган устувор вазифалар ижросини таъминлаш учун ташаббускор, онги ва қалби уйғоқ, халқ билан муросса қила оладиган инсон бўлиши кераклигини улар яхши билишади. Сайлов шаффоф, адолат мезонлари ва муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли орқали ўтди. Саноқ комиссияси аъзолари овоз бериш қутисини вакилларнинг кўз олдида очиб, бюллетенларни санашди. Натижаларга кўра, номзодлар орасидан Нодир Имомов маҳалла оқсоқоли лавозимини эгаллади.

Халқнинг ишончи инсонга куч беради, мақсадларини қатъийлаштиради. Шу ишончнинг оқлай оладиган, маҳалланинг бугуни ва эртанги кунини учун қайғурадиган инсон бўлиш масъулиятли иш, – дейди янги сайланган маҳалла раиси Нодир Имомов биз билан сўхбатда.

Маълумот ўрнида айтиладиган бўлсак, бугунги кунда Бухоро вилоятида 543 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг аксариятида муҳим сиёсий жараён – маҳалла раиси сайлови ана шундай ташкилотчилик ва ошкоралик руҳида ўтказилди.

Ҳамроз АЛИ, “Qishloq hayoti” мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ ТОХИР МАЛИК

Ўзбек адабиёти ва маданияти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли публицист ва таржимон Тоҳир Малик – Тоҳир Абдумаликович Ҳобилов 2019 йил 16 май кунини оғир хасталиқдан сўнг 73 ёшида вафот этди.

Тоҳир Малик 1946 йил 27 декабрда Тошкент шаҳрида зиёли оиласида туғилди. Ўрта мактабни туғатганидан сўнг Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) да таҳсил олди.

Бўлғуси адиб ўз меҳнат фаолиятини Тошкент қурилиш-монтаж бошқармасида оддий гишт терувчи сифатида бошлади. Бадий ижодга, сўз санъатига бўлган кучли интилиши туфайли кейинчалик юртимиздаги бир қатор оммавий ахборот воситаларида, жумладан, “Тонг юлдузи” газетасида, Ўзбекистон радиосида, Чўлпон, Фафур Гулом номидаги нашриётларда, “Гулистон”, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик” журналларида турли вазифаларда самарали хизмат қилди.

Катта ҳаёт ва ижод тажрибасига эга бўлган Тоҳир Малик Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ҳам бирмунча вақт фаолият кўрсатиб, миллий адабиётимизни ривожлантириш, истеъдодли ёш ёзувчи ва шоирларни қўллаб-қувватлаш бўйича кизгин иш олиб борди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Давлат муҳофизат қўмитаси масъул котиби сифатида ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиришда иштирок этди.

Ёрқин истеъдод эгаси ўзидан бой ва бетакдор ижодий мерос қолдирди. Унинг Ватанимиз ва халқимизга, азалий кадриятларимизга меҳр ва садоқат туйғулари маҳорат билан тараннум этилган бадий асарлари, киносценарийлари, долзарб мавзулардаги публицистик мақолалари эл-юртимиз қалбидан чуқур қўли олди.

Тоҳир Малик ўзбек адабиётида бадий фантастика, саргузашт жанрларининг ривожига катта ҳисса қўшди. “Озод инсон ҳақида кўшиқ”, “Сўнгу ўқ”, “Шайтанат”, “Меҳмон туйғулар”, “Одаимийлик мулки” каби қўллаб асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади.

Халқимиз тарихининг энг оғир даврларини бадий йўл билан тасвирлаш ва жамоатчиликка етказишда ҳам адиб ибрат қўрсатди. Айниқса, унинг ўзбек маърифатпарвар зиёлиларининг мураккаб ҳаёти ва фаолиятига бағишланган тарихий асарлари катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Тоҳир Малик етук таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара намуналарини она тилимизга маҳорат билан ўгириб, китобхонларимизни улардан баҳраманд қилиш борасида ҳам самарали меҳнат қилди.

Эл суйган адиб конюкар ташкилотчи сифатида жамоат ишларида, маданий ва маърифий жараёнларда фаол иштирок этди. Умрининг охирига қадар Ички ишлар вазирлиги академиясида ўзбек тили, маънавият асосларидан сабоқ бериб, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда жонбозлик кўрсатди.

Заҳматкаш адибнинг ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантириш йўлидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” фахрий унвони, “Дўстлик”, “Меҳнат шухрати” орденлари билан мукофотланган эди.

Атоқли адиб, меҳрибон устоз, камтарин инсон Тоҳир Маликнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Н.Йўлдошев, Н.Исмоилов, А.Арипов, Ж.Ортиқхўжаев, С.Саидов

## Самарқанд вилояти

**Яқинда муассасамизда ўтказилган тадбирлардан бирида иштирок этган ота-оналар болажонларнинг ифодали шеър ўқишлари ҳақида илқ фикрлар билдиришди. Кичкинтойларнинг яйраб-яйнаб ўсишларида мамлакатимизда бу соҳани ривожлантиришга бўлган эътиборнинг юқори эканлиги ҳақида апиришди. Улардан бири, меҳнат фахрийси Моҳиба Аблаева шундай деди:**

# Таълим-тарбия боғчадан бошланади

“Мен ҳам шу боғча тарбияланувчисиман. 36 йил кутубхона соҳасида ишладим. Тошкент давлат маданият институтида ўқиганман. Бугун эса меҳнат нафақасиданман. Боғчага тез-тез келиб тураман. Бугунги тадбирдан жуда хурсанд бўлдим. Айниқса, болажонларнинг шеър айтишида бир-бирларидан қилишмаслиги мени хурсанд қилди. Назаримда тарбия ҳам, таълим ҳам боғчадан бошланади. Бу ерда тарбияланган жажжи болаларнинг келажакда етук инсонлар бўлиб етишишларига шубҳа йўқ”.

Жорий йилда бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. Бу борада мақсадга эришиш энг аввало, ҳодимларнинг ҳар жиҳатдан саводхонлигига боғлиқ. Шу боис ҳар бир ҳодим тизимга оид ҳужжатлар билан таништирилиб борилмоқда. Уларнинг ўз устларида ишлашларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жамоамизда барча вазифалар олдиндан белгиланган режа асосида бажарилади. Педагогик кенгаш йиғилишлари йиллик режа асосида ташкил этилса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ йиғилишлар ҳар ойда бир марта ўтказилади. Шунингдек, маълум муддатда семинарлар ва ота-оналар йиғилишлари ҳам қилинади.

Муассасамизда таълим-тарбия жараёни янги давлат талаблари ҳамда “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида ташкил этилган. Машгулотларда илгор замонавий педагогик технологиялардан, кўргазмали воситалар ва тарқатмалли материаллардан фойдаланялмиз. “Очқ машгулотлар” режа асосида ташкил этилмоқда. Шунингдек, муҳим саналар, байрамлар муносабати билан турли тадбирлар ташкил этишни йўлга қўйганмиз.

Тарбиячилар ўртасида ҳар чоракда “Кўргазмали воситалар” танлови ҳам ўтказилиб борилади. Тарбиячилар томонидан тайёрланган турли кўргазмали воситалар болаларнинг ақлий, маънавий жиҳатдан ривожланиб боришида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Кичкинтойларнинг қалбида маънавиятга меҳр уйғотиш борасида қилнаётган ҳаракатлар ҳам эътиборга сазовор. Айниқса, ҳар бир гуруҳда китоб маркази ташкил этилган тарбияланувчиларнинг мурғак қалбларига эзгулик хислатларини синдиришга хизмат қилмоқда. Ҳар оқибат охирида эса “Эртак тақдими” ташкил этилмоқда.

Ҳар кун эрталаб ўтказиладиган бадантарбия машқларидан ҳеч ким четда қолмайди. Аслида бундай машгулотларнинг йўлга қўйилиши болакайларнинг соғлом ўсишлари йўлидаги яхши тадбирдир. “Отам, онам ва мен – спортчилар оиласимиз”, “Соғломжон – полвонжон”, “Кичкинтой – ширинтой” каби спорт машгулотлари тарбияланувчиларнинг энг семимли тадбирига айланган. Шунингдек, “Зумрадошлар давраси”, “Тасвирий санъат”, Моҳир қўллар”, “Инглиз тили”, “Шаҳмат-шаҳка” сингари тўғрақларда кичкинтойлар яйраб иштирок этишади.

Мамлакатимиз Президентининг мактабга таълим соҳасига қаратаётган эътиборлари, бу соҳага оид фикрлари бизни ниҳоятда қувонтиради. Бундай гамхўрликка амалий иш билан жавоб беришга, ёш авлодин етук, соғлом, баркамол, маънавиятли қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Халқимизда тарбия бешидан бошланади, деган ибора бор. Бу бизнинг боғчаларимизга тегишли. Бугун биз учун таълим ҳам, тарбия ҳам боғчадан бошланади.

Ирода ЭРГАШЕВА, Каттақўрғон туманидаги 10-МТМ мудираси.

## ЎЗБЕКИСТОН – ТАТАРИСТОН:

**САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚАДИ**  
Тошкентдаги Халқаро савдо марказида Ўзбекистон ва Татаристон ишбилармон доира вакилларининг давра сўхбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Тошкент вилояти ҳокимлиги, маҳаллий бизнес, йирик компаниялар вакиллари, Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримов бошчилигидаги делегация аъзолари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Абдуалиев мамлакатдаги жозибадор бизнес муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилган қулайликлар ҳақида гапириб берди.

Вазир ўринбосари маълумотига кўра, фақатгина жорий йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистонда 900 дан зиёд хорижий ҳамкорлар иштирокидаги корхоналар очилган. Татаристон Республикаси Бош вазири ўринбосари, саноат ва савдо вазири Альберт Каримовнинг айтишича, 2018 йилда икки томонлама махсуслот айирбошлаш ҳажми 145,7 миллион АҚШ долларига етган. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 3 бараварга кўпайган. Ҳали Ўзбекистон ва Татаристон ўртасида ишга солинмаган, истиқболли бўлиши

кутилаётган имкониятлар кўп. Бу учрашув ана шу имкониятлар амалга ошишида янги ташаббусларни қаноатлантиради.

Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш жараёнида нефть-газ саноати, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, автомобилсозлик, туризм, табиий бойликларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, ахборот технологиялари сингари ўнлаб соҳаларда ҳамкорлик қилиш кўзда тутилган.

Давра сўхбатиде Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Одилов Рустамов, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Баҳодир Низомов, шунингдек, “Ўзбекнефтгаз”, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзавтосаноат”, “UzAutoTrailer”, “Эйдос-Медицина” каби йирик ишлаб чиқариш компаниялари вакиллари Татаристоннинг 10 дан ортиқ дунё бозориде муносиб ўрин эгаллаган йирик компаниялари билан музокара олаб боришди.

B2B шаклида давом этган учрашув чоғида ўзаро манфаатли келишувларга эришилди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

**Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Швейцария Конфедерацияси ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг 8-йиғилиши бўлиб ўтди.**  
Унда икки мамлакатнинг турли вазирлик ва идоралари, ташкилот ва компанияларининг вакиллари иштирок этди.

# ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Б.Обидов ва бошқалар Президент Шавкат Мирзиёев томонидан турли мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва хурматга асосланган муносабатларни кенг йўлга қўйиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, иқтисодий таъминлаш, инвестициявий муҳит жозибадорлигини ошириш, ишбилармонлар учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш юзасидан тизимли ишлар олиб боришмоқда. Юртимизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар хорижий ҳамкорлар билан биргаликда кўллаб лойиҳаларни муваффақиятли амалга

ошириш имконини бермоқда.

Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ҳамкорлик иқтисодий, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика ва бошқа йўналишларда изчил раванқ топаётди. Айни пайтда мамлакатимизда ҳаётда кечаётган шиддатли ўзгаришлар алоқалар кўламини кенгайтириб, янги босқичга олиб чиқиш, мавжуд имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланишни тақозо қилмоқда. Айниқса, тиббиёт, касбий таълим, сайёҳлик, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, академик алмашув каби йўналишларда долзарблик касб этмоқда.

– Биз мамлакатларимиз ўртасида инвестиция соҳасидаги муносабатларни ривожлантириш тарафдоримиз, – дейди Швейцария Конфедерацияси Иқтисодий, таълим ва фан

масалалари бўйича федерал вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий масалалар бўйича давлат котибиятининг икки томонлама муносабатлар департаменти раҳбари Эрвин Боллингер. – Ҳамкорликда лойиҳалар ишлаб чиқиш ва ҳаётга таъбиқ этишдан манфаатдоримиз.

– Ўзбекистон биз, швейцарияликлар учун ҳам визасиз тартиб жорий қилганидан мамнунмиз, – дейди “Switzerland Tourism” ташкилотининг ривожланаётган бозорлар ва махсус лойиҳалар бўйича директори Федерико Сомаруга. – Мамлакатининг туризм соҳасида катта салоҳият, улкан имкониятларга эга. Бу жиҳатлар Самарқанд ва Бухоро каби қўн-шаҳарларга келаётган сайёҳлар оқимининг ошаётганида ҳам кўринади. Биз қишки спорт, тоғ чангиси, осма йўллар бўйича ҳамкорлик ўрнатиш ниятдамыз.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Швейцариянинг қатор вазирлик ва идоралари ўртасида шериклик алоқалари тўғрисида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Швейцария делегацияси аъзолари Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам музокара ўтказди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

# Фарғонада осётр етиштирилади(ми?)

**Президентимизнинг Фарғона вилоятига таширифи давомида кўплаб лойиҳалар қаторида балиқчилик йўналишида ҳам тақдимотлар ўтказилганди. Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилган "Фарғона балиқ саноат агрофирмаси" ҳам истиқболли лойиҳалардан биридир. Кластер шаклидаги замонавий балиқчилик мажмуасига Хитойдан замонавий технологиялар олиб келиб, ўрнатилди. Эндиликда инкубация цехи, омухта ем ишлаб чиқариш тармоғи, балиқни қайта ишлаш ва балиқни шок усулида музлатиш фаолияти йўлга қўйилаётир.**

Лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун Ёзёвон туманидаги Марказий сув омбори сунъий сув ҳавзаси "Фарғона балиқ саноат агрофирмаси" масъулияти чекланган жамиятига доимий фойдаланиш учун бириктириб қўйилди. Юртимизда балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш, табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўллардан самарасиз фойдаланиш балиқчилик тармоғининг энг заиф бўғини ҳисобланади. Шу боис, юртимизда сунъий кўлларнинг ҳосилдорлиги жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан ҳам анча паст. Замонавий мезонлар бўйича балиқчилик ихтисослаштирилган инфратузилмани талаб этиши сабабли, интенсив технологияларни жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга, деб қаралмоқда.

— Марказий Фарғона ерлари худудида кирувчи Қизилтепа массивидаги 150 гектар майдонда сунъий кўллар ва сув ҳавзалари барпо этишни ва жаҳон бозо-

рида харидоригар ноёб балиқ турларини етиштиришни режалаштирганмиз, — дейди тадбиркор Мирзарасул Маматов. — Ҳозир Олтиариқ туманининг чўл қисмидаги саксауловзорларда замонавий техника воситалари ёрдамида қазичи, текислаш, кум барханларини ихоталаш ишларини бажаряпмиз. Бугунгача 15 дан ортиқ кўлда балиқ парваришлар жараёнлари бошланди.

Марказий Фарғона чўллари худудида балиқчилик кластери фаолияти шакллантирилаётгани нафақат балиқ етиштириш, уни қайта ишлаш саноатини йўлга қўяди, балки, балиқ турларини кўпайтириш, инкубация цехлари куриши, тайёр маҳсулотни сифатли сақлашга эришиш имконини ҳам беради. Бу лойиҳани тўлиқ рўёбга чиқариш орқали жаҳон бозоридан талаб юқори бўлган "икра" етиштириш ҳам йўлга қўйилади. Ана шу мақсадда



Хитой технологияси асосида йирик цех барпо этилиб, балиқнинг энг ноёб ва харидоригар турларидан бўлган осётр балиғи парваришланмоқда.

Озуқа масаласини ҳал қилиш мақсадида юқори оқсилли экстродерланган балиқ емларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан кўлларда табиий шароит яратиш билан бирга зарур дармондорилар аралашмасидан

иборат, илгари хориждан олиб келинган гранулалар, балиқ еми ишлаб чиқаришга ҳам киришилди. Шуниси эътиборлики, лойиҳа ташаббускорларининг саяё-ҳаракатлари билан балиқни шок ҳолатида қадқоқлаш ишлари ҳам бошланмоқда. Шунингдек, қайта ишлаш тармоқлари ҳам фойдаланишга шай ҳолатга келтириб қўйилди.

**Ҳамиджон БУРҲОҶОНОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## Наманган вилояти

# "Сув келса, симирди, тош келса кемирди"

### ниҳоят ҳавас қилса арзигулик турмуш тарзига эга бўлди

**Афсуски, ҳаёт йўллари доим ҳам бир текисда давом этавермас экан. Ёшлигидан сартарошлик касбини танлаган норинкпалик Қажрамон Эргашев тўсатдан оғир дардга чалиниб, тушакка "михланиб" қолди. Лекин тушкунликка тушмади. Умр йўлдоши Саидахон турмушининг барча оғирликларини елкасига олди. Жўнроқ қилиб айтганда, "сув келса, симирди, тош келса, кемирди".**

Саидахон турмуш ўртоғини даволатиш, уч боласини оқ ювиб, оқ тараб, тарбиялашни зиммасига олди. Эрта тонгдан томорқасида куймаланиб, оиланинг кемтигини тўлдирди.

Мана, уч йилдан ошди. Қажрамон оёққа турди. Аввалига ҳасадсада, энди эса қийналиброқ бўлсада, ўзи юра бошлади. Оғир кунлар ортда қолди. Катта ўғли Садафбек ўлғайиб, хунарли бўлди. Яна икки ўғли Мақсадбек ва Омадбекларнинг ҳам қўлидан иш келиб қолди.

Оила аъзолари ҳовлидаги

узум, ёнғоқ, бодом ва бошқа мевалар, картошка, помидор, буғроқ қалампирларини ҳам ҳисоблаганда йилига 20-25 миллиондан ошириб даромад топмоқда. Бундан ташқари, хонадонда соғин сигир, қўй, парранда парвариши борасида ҳам катта тажриба тўп-ланган.

Қажрамоннинг тадбиркорлиги боис, юзта туҳумни очиб чиқадиган инкубатор хизмати ҳам йўлга қўйилган. Бу, нафақат оила аъзоларига қўшимча даромад келтирмоқда, балки худуддаги насли паррандаларнинг кўпайишига ҳам

катта ёрдам бераётир.

— Оила соҳибаси Саидахон пиллачилик соҳасига ҳам катта ҳисса қўшиб, элда хурмат қозониб келмоқда, — дейди "Норин-агропилла" МЧЖ раиси Манзура Раҳимова. — Ўтган йили пилла парваришлар, режадан ортиқча пилла топширди ва яхшигина даромад қилди. Улар жорий йилда ҳам Азаматжон Маматов бошлиқ "Тупроғи зар" фермер хўжалиги таркибида "Fabrik Tekes" Хитой — Ўзбекистон қўшма корхонасининг супер элита уруғини боқиб, юқори навли кумуш тола етиштиришга ва вилоятда биринчи бўлиб қабул пунктига топширишга муваффақ бўлди. Илгор пиллакор Саидахон Норин тумани ҳокими ва хитойлик ҳамкорлар томонидан махсус совғалар билан тақдирланди.

**Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,**  
"Qishloq hayoti" мухбири.

**Марказий Осиёнинг Минтақавий экологик маркази (МОНЭМ) томонидан Европа Иттифоқи молиявий кўмагида амалга оширилаётган "UzWaterAware" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Вазирлар кенгаши, "Ўзгидромет" мутахассислари, журналистлар иштирокида Оролбўйи ҳудудлари ва Орол денгизига медиатур ташкил этилди.**

Устюрт платосида анчагина юрғач, бирданига бетонланган йўл пайдо бўлди. Колонна бўлиб кетаётган машиналар текис йўлга чиққанидан ҳайрон бўлди. Бир неча километрга чўзилган ва цивилизация белгисини билдирувчи йўл бироз ташландиқ ҳолда бўлсада, текис эди. Бу собиқ ҳарбий аэродром, анови кўриниб турган аҳоли пункти эса Кубла-Тюрт экан. Униқан пойдеворли, паст томли уйлар, бироз қийшайган четанли бино. Кейинроқ биллишимизча у посёлкадаги ягона мактаб экан. Қатор машиналарнинг тўхтаганини кўриб, овул томондан мотоциклда одамлар кела бошлади. Уларни суҳбатга чорладик.

— Посёлкамизда 50 та хонадон бор бўлиб, Жаслык темир йўл станциясидан 60 км. узоқда жойлашганимиз, — деди Бауржан Сугуров. — Қўнғирот тумани марказигача эса 150 км. Овулимизда 1 та мактаб ва битта ҚВП бор. Атиги ярим шатда ҳамшира ишлайди. Шифокор йўқ. Бирор кори ҳол бўлса, туман марказига боришимиз керак. Собиқ Иттифоқ даврида бу ердан марказгача кичик самолёт қатнаган бўлса, ҳозир у йўқ. Йўл йўқлиги сабабли мотоцикллардагина, қийналиб, анчагина вақт сарфлаб, у ерга етиб бориш мумкин. Айниқса, ҳомилдор аёлларга қийин бўляпти. Шунинг учун аёлларимиз ҳам ўз уйларида тўғини афзал билмоқда-



(2-мақола)

# Одамлардан хафа бўлган денгиз

лар. Раҳбарлардан илтимосимиз, марказгача йўл қуриб беришса. Шаҳар типидagi посёлка 1964 йили магистрал газ қувурларини ўтказиш жараёнида ишчилар учун қурилган эди. У 1990 йилгача Устюртдаги Комсомольск номи билан аталиб, республикамиз мустақилликка эришгач эса Кубла-Устюрт номи олдди. Бугунги кунда эркакларнинг деярли барчаси газ конида ишласа, қолгани чорвачилик билан шуғулланишади, аёлларнинг аксарияти уй юмушлари билан банд. Мавжуд богча ҳам ўз фаолиятини тўхтатган. Бизни қизиқти ўраб олган болакайлар билан суратга тушгач, космонавт бўлишни орзу қилиб, ота-онаси ва дўстларини коинотга олиб кетишни орзу қилаётган 6 ёшли Чингиз билан хайрлашдик ва Устюрт бўйлаб Орол денгизини қидирганча йўлда давом этдик.

## "БўЙНИ ОҚ" ОРОЛ ВА КЕМАЛАР ҚАБРИСТОНИ

Мўйноқ 1960 йилларгача Токмак деб аталган. Орол денгизи Россия императорининг офицери, лейтенант Бутаков томонидан очилган. "Хўжалар эли" деб номланган худудда 1930-йилларда қувғинга учраган хўжалар бу ердаги тўқайзорларда яширинишган. Кейинчалик бу ер Хўжайли номини олган. Қадимда одамлар бу ердан оҳақтош қазиб олишган, Мўйноқ орол бўлиб, чўзинчоқ шаклга эга бўлган ва ҳаритада оқ шаклда тасвирланган. Шунинг учун маҳаллий халқ Мўйноқни "Бўйни оқ" деб аташган. 1939 йилдан 2000

йилгача Мўйноқда балиқ консерва заводи фаолият юритган. Маъзур заводда консерва, балиқ уни, совун ишлаб чиқарилган. Махсулотлари ҳаттоки, уруш йиллари Ленинград қамалига етказилган. Биргина Қорақалпоғистондан урушга 64 минг одам кетиб, шундан 30 минг нафари қайтиб келган. Урушга одамлар Мўйноқдан кемаларда олиб кетилган. Эри ва ўғлини урушга кузатган аёл қиссаси бор. У эридан қора хат олгач, ўғлини кутиш учун ҳар куни пристанга келар ва ўғлининг йўлига кўз тикарди. Одамлар унга, "Опа, бу ерга бошқа келманг, энди сув йўқ, кемалар ҳам юрмапти, ўғлингиз қайтиб келса ҳам бошқа йўлдан келади", дейишсада, аёл: "Ўғлим ҳали ёш, уни шу йўлдан олиб кетишган, у бошқа йўлни билмайди, денгиз қайтиб келса, ўғлим ҳам қайтиб келади", деб ўлганича кумларга, узоқда сув сингари жимирлаётган саробга тикилиб, ҳаётдан кўз юмган. Мўйноқнинг ҳаёти денгиз билан боғлиқ эди. Орол чекина бошлагач, бир неча йиллар ичида 500 дан ортиқ кема кумга тикилиб қолди. Улар металлломга топширилди. Ҳозир атиги 11 тагина кема кемалар қабристонидан мунгайганича ўтган йилларни эслайди, гўё.

## ОРОЛ ДЕНГИЗИ НЕГА "ХАФА" БЎЛДИ?

Мўйноқда ташкил этилган ва очилди кутулаётган музейда расом Ра-

фазль Мативисяннинг "Сароб" деган сурати бор. Орол денгизи кетганида, расом кумга тикилиб қолган кема олдида ўтириб, ухлаб қолганида тушига кемалар сузаётганини киради. Уйғонганида бу тушигини билиб, юрак бағри қонга тўлади. Сўнг у "Чекинган денгиз" суратини чизади. Мативисян хотира дафтарларида унинг тарихини ёзиб қолдирган. Унда ёзилишича, расом эрта-лаб бақир-чақирдан уйғониб кетади. Эркаклар кўллари юқори қилиб, худого нега уларга бундай офатни юбораётгани, ундан сақлашни, денгизнинг қайтиб келишини илтижо қилиб, йилгашар эди. Ҳама денгиз томон югурарди. Расом ҳам қўшилиб югурганида, денгиз бир кечада 1-2 км.гача чекинганини, қиргоқ бўйлаб турган кемалар эса кумга тикилиб қолганини кўради. Орол одамларга ҳаёт бахш этувчи, иш берувчи, қорнини тўйдирувчи қудратли мавжудот эди. Бир кечада унинг орта чекиниши мўйноқликларни дахшатга туширди. Халқ орасида денгиз биздан хафа бўлгани учун кетмоқда, деган миш-мишлар юра бошлади. Ростдан ҳам Орол одамлардан "хафа" бўлганмиди?

1965-йилларга қадар Орол сувининг қон томири бўлган Амударё сувидан режасиз, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун фойдаланиш, охир-оқибат дарё сувининг денгизга жуда кам миқдорда етиб боришига сабаб бўлди. Инсоният фаолияти натижасида ҳавога жуда ҳам кўп чиқарилаётган ис газлари ҳаво хароратининг кўтарилиши, бу эса ўз навбатида иқлим ўзгаришининг тезлашишига олиб кела бошлади. Денгизга

қуйилаётган дарё сувининг камайиши билан биргаликда, бугуналиш жараёнлари кучайди.

— Уртача 30-40 йиллардан сўнг Ўзбекистоннинг икки азим дарёси Амударё ва Сирдарё қуриши мумкин. Бунинг асосий сабаби иқлим ўзгариши ва ҳаво хароратининг кўтарилиши оқибатида ана шу дарёлар бошланаётгани музликларнинг эриб, битишидир, — дейди Ўзбекистон гидрометеорология кўмитаси мутахассиси Надежда Гавриленко. — Чунки инсониятнинг экологияга антропоген таъсири натижасида сўнгги 100 йил давомида ҳаво харорати 1,4 даражага кўтарилган. Бугунги кунда биз Орол ва Оролбўйи худудларининг хароратини кузатиб бормоқдамиз. Илгари худудда 11 та ҳаво хароратини кузатувчи метеостанция мавжуд эди. Аммо Орол қуригач, уларнинг кераги бўлмади қолди. Шунингдек, Қорақалпоғистонда 6 та агрометеостанция мавжуд. Ўзгидромет мутахассислари Орол ва Оролбўйи худудларини экологик экспертизадан ўтказиб туради.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, Орол ва Каспий денгизлари ўртасида ёриқ пайдо бўлиб, сув ана шу тектоник ўзгариш оқибатида пайдо бўлган ёриқ орқали Каспий денгизига ўтиб кетган деган, тахминлар ҳам мавжуд. Нима бўлган тақдирда ҳам денгиз қуримоқда. Бир пайтлар "бебош" номи билан олган Амударёнинг сувлари Оролга етиб келмаяпти. Онда-сонда ёғадиган ёмғирлардан ташқари, денгизни тўлдирадиган бирор бир ирмоқ ҳам қолмади.

## ДЕНГИЗДА ЯШАЁТГАН ЁЛГИЗ ЖОНИВОР ЁХУД МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ "ЎЛИК" ДЕНГИЗИ

Ниҳоят Орол денгизига етиб келдик. Денгиз ботаётган кўёш нурали остида жуда ҳам маъзун эди. Оролни кўриб ҳайратландим, завқландим ва... юрагим ачишди, тўғрироғи оғриди. Салкам уч соат давомида бир пайтлар денгиз тўлкинлари мавж урган, 40 дан ортиқ балиқ турлари, денгиз жониворлари яшаган, ҳозирда эса бепоён чўлга айланган денгиз тубидан юрдик. Йўл бошловчимиз Октябрь Дуспановнинг айтишича, Оролда ҳозирда бир донга ҳам балиқ яшамайди. Сувнинг минераллашуви даражасининг ортиши (ҳозирда бир литр сув таркибидаги туз миқдори 152 граммборат) уни ҳаёт учун мутлақо яроқсиз қилиб қўйган. Оролнинг ботаётган кўёш нурали остида мавжланаётганини кузатар эканман, ҳаёлимга Исроил давлати худудининг бир қисмида жойлашган Ўлик денгиз келди. Унинг шўрланши даражаси шу қадар кучлики, бир пайтлар тирик уммон вақт ўтиши билан "ўлган". Ўлик денгизнинг тиниқ сувлари тубида гайритабиий жониворларни эслатувчи туз кристалларини, Орол денгизни қирғоқларида эса бу ерга энди ҳеч ҳам етиб келмайдиган Амударёнинг лойларини кўриш мумкин. Бугунги кунда денгизда фақат артемия деб аталувчи планктонларгина истиқомат қилади. Уларни ейдиган жониворлар йўқ, аммо шу ерда ҳам инсон ўлиб бораётган денгиздан сўнгги маротаба фойдаланиб қолишга, унинг охириги "жонини олишга ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Орол қирғоқлари бўйлаб қазилган кичик ҳавзаларга артемияларни йиғишмоқда. Чунки ташки бозорда уларнинг нархи анча баланд.

Денгиз бўйида бўлиб чарлоқларнинг қичқирини эшитмадим. Қора, Ўртаер, Мармар, Сарик, Оқ, Каспий денгизлари... Қарда бўлмай, чарлоқлар қичқирар, сувга яшин тезлигиде шўнгиб, тумшукларидаги кичкина балиқ билан кўкча парвоз қилишар эди. Орол денгизиде эса жимлик, скунатни фақатгина сувнинг заифгина қирғоққа келиб урилаётган овозигина бузади. Марказий Осиёнинг Ўлик денгизи...

(давоми бор)  
**Наргис ҚОСИМОВА,**  
журналист.

# ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ

**ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ФЕРМЕРЛАРИГА МУРОЖААТИ**

Жорий йилда баҳорнинг серёғин келиши қишлоқ хўжалиги экинларининг ўз вақтида парваришини олиб боришда азамат деҳқонларимиз зиммасидаги масъулиятнинг янада ошишига сабаб бўлди. Ғўза парвариши борасидаги ишларни ташкил қилиш ҳам шулар жумласидандир.

Минг машаққатлар билан чигитдан ундирилган ғўзаларнинг парваришини, агро-техник тадбирларни ўз вақтида бажариш орқали қузда оладиган мўл ҳосилимизнинг пойдеворини яратамиз. Шундай экан, ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари, масъуллари ўзларининг ихтиёридаги культиваторлардан самарали фойдаланиб, ғўза майдонларини чоқиқ қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, яганалаш ва зараркундаларга қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор бериши керак.

Бу йил баҳор фаслининг салқин ва серёғин келиши иссиқсавар ўсимлик ҳисобланган пахтачиликда муайян муаммоларни келтириб чиқармоқда. Далаларда ғўзанинг ривожланиши ўтган йилларга қараганда анча орқада қолмоқда. Бу эса ғўза парваришига алоҳида эътибор қаратишни, айниқса, культиваторлардан самарали фойдаланиш, тупроқни чуқур юмшатиш, майда чоқиқ қилиш, яганалаш, қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши курашиш ва бошқа агротехник тадбирларни амалга оширишга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади.

Айниқса, баъзи бир туманларда чигит бузиб экилгани сабабли, ўша майдонлардаги ғўза парваришини тўғри ташкил этиб, бошқа ҳудудлардаги ғўза ривожига етказиб олиш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Таҷрибали фермерлар, фидойи дала меҳнаткашлари ҳозирги ўта масъулиятли паллада сифатли бажарилган агротехника тадбирлари туфайли яратилажак мўл ҳосил, ундан келадиган даромаддан, энг аввало, ўзлари, қолаверса, жамиятимиз катта наф

қуришини яхши билади, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни чуқур ҳис этади.

Сўнги икки йилда пахтанинг давлат харид нархи ўтган йиллардагига нисбатан қарийб икки бараварга оширилди.

**Давлатимиз раҳбарининг биз, фермерларга беқиёс ғамхўрлиги, камтарона меҳнатимизга юксак эътиборини қадрлаб, бундай эътибор зиммамизга улкан масъулият юклаганини ҳам унутмаслигимиз лозим!**

## АЗИС ФЕРМЕРЛАР, МИРИШКОР ДЕҲҚОНЛАР!

Юртимизда эзгу ташаббус, хайрли амаллар ҳеч қачон беиз кетмайди, эътибордан четда қолмайди. Аксинча, давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланади. Шундай экан, ҳар биримиз, ўз даламизда меҳнат қилиш учун ишчиларимизга қулай шарт-шароитлар яратиш пайдан бўлиб, енгил конструкцияли дала шийпони, муъжазгина арзон иссиқхона қурайлик, 50 бошдан парранда ва бир бошдан соғин сигир ҳамда 5 кутидан асалари боқишни йўлга қўяйлик! Бу орқали ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, қўшимча даромад манбаини шакллантириш имконияти пайдо бўлади.

## ҚАДРЛИ ФЕРМЕРЛАР!

Кўпни кўрган, таҷрибали фермерлар май-июнь ойлари ғўза айна ривожланадиган, деҳқончасига айтганда, экин кечаю кундуз "ишлайдиган" бетакрор палла эканлиги, бу даврда қандай ишлар амалга оширилиши зарурлигини жуда яхши билишади. Сизу бизнинг вазирамиз эса ана шу тифиз мавсумда бутун меҳримизни даламизга бериб, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида ва юқори савияда

бажаришга эришишдир. Бунинг учун қуйидагиларга жиддий эътибор қаратиш зарур:

**биринчидан**, агротехник тадбирлар борасидаги ташкилий ишларни яна бир марта, бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда пухта режалаштиринг!

**иккинчидан**, ҳар бирингиз 50 сотих пахта майдонига бир нафардан мавсумий ишчини жалб қилиб, бир ҳафта муддатда ғўза парваришидаги хато ва камчиликларни тўлиқ яқунланг!

**учинчидан**, ғўза майдонларини культивация қилишда ишчи органларни тупроқ шароити ва экиш схемасидан келиб чиқиб амалга оширинг!

**тўртинчидан**, ишчиларингиз учун бир гектар чоқиқ учун 300 минг сўм ва бир гектар яғана учун 200-250 минг сўмдан, механизаторларга бир гектар культивация учун 18 минг сўмдан қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ажратилган иш ҳақини ўз вақтида бериб, иш унумдорлигини оширишга эришинг!

**бешинчидан**, ғўза майдонингизда тўлиқ гектар ва контур ҳосил қилиб, ёнгингичликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда чигит униб чиқмаган қаторлар хатосига чигит экишни, бунда, чигитни яхшилаб димлаб (жўжабурун қилиб), тупроқнинг 4-5 см. намини чиқариб экишни ташкил этинг!

**олтинчидан**, ҳар бирингиз 1-2 чинбарг чиқарган ғўза майдонларингизда яганалаш ишларини ташкил қилиб, 3 кун муддатда тўлиқ яқунлаш чорасини кўринг!

Бунда тупроқ унумдорлиги юқори ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 8-9 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 5-6 тадан кўчат қолдириб) гектарига 80-90 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 9-10 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 6-7 тадан кўчат қолдириб) гектарига 100-110 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги паст ерларда (90 см. ғўза қатор оралиғида экилганда 1 метрда 10-11 та, 60 см. қатор оралиғида экилган бўлса, 7-8 тадан кўчат қолдириб) гектарига 110-120 минг туп;

– тупроқ унумдорлиги паст ерлардаги кўш қатор экилган майдонларингизда гектарига 140-160 минг туп;

– ингичка толали ғўза навлари экилган унумдор тупроқли майдонда гектарига 110-120 минг туп, тупроқ унумдорлиги ўртача ерларда 130-140 минг туп, тупроқ унумдорлиги паст ерларда 150-160 минг туп, кўшқатор майдонларда 180-200 минг туп ҳамда "Сурхон" ва "Термиз" навларида 150-160 минг туп кўчат бўлишини таъминлашга эришинг!

**еттинчидан**, ғўзада 3-4 та чинбарг пайдо бўлган майдонларда ўсимликдан 12-14 см. узокликда, 16-18 см. чуқурликда (тупроқ намига) гектарига 150 кг. дан азотли ўғит, чигит экиш ва ер тайёрлаш жараёнида берилмаган бўлса, 200 кг. дан фосфорли ва 100 кг. дан калийли минерал ўғитлар билан озиклантиринг!

**саккизинчидан**, ғўза ниҳолларининг 2-3 чинбарг чиқариш даврида барг орқали озиклантириш мақсадида суспензия сепиш ишларини ташкил этинг!

**тўққизинчидан**, ёнгингичликдан кейин сақлаб қолинган майдонларда зудлик билан биринчи ишлов мажмуасини ўтказинг ва сугоришга тайёрланг! Ушбу майдонларни ҳар йилгидан 10-15 кун олдин гектарига 700-750 куб метр сув билан енгил қатор оралатиб сугоришни ташкил қилинг!

**ўнинчидан**, ғўзанинг зараркунанда ҳашаротларига (шира-трипс, кузги тунлам, ўргимчакана ва бошқа) қарши биологик ва кимёвий кураш ишларини ташкил қилинг!

Бунда, ҳар гектар пахта майдонига бир донадан феромон тўтиқч ўратиби, 3-4 кунда 10-15 донадан капалак тушиши кузатилса, бундай майдонларни алоҳида назоратга олинг;

– ўргимчакананага қарши курашишда про-

филактика мақсадида олтингурт+сода ара-лаштирилган эритма, олтингурт+оҳакли ИСО эритмаси ёки гектарига 60 кг. олтингурт+ОШУ пуркагичи билан далага сепинг;

– кузги тунлам (илдиз курт)га қарши алдамчи емаклар тайёрлаш ва кечги салқинда далага сепишни ташкил қилинг;

**ўн биринчидан**, 10-15 нафар фермер бириктиб, механизатор уйлари ташкил этинг ва иш унумининг ошишига эришинг!

**Шу маънода, табиат куч-қудратимиз, сабр-бардошимизни яна бир бор синовдан ўтказайтган жорий мавсумда бир тану бир жон бўлиб, етук мутахассисларимиз томонидан тавсия этилган энг қулай агротехника тадбирларини мақбул муддатларда амалга ошириб, пахтадан белгиланган ҳосил етиштиришга эришайлик!**

## ФИДОЙИ ФЕРМЕРЛАР, ДАЛА МЕҲНАТКАШЛАРИ!

Бугун халқимиз Сизнинг шижоатингиз, ғайрат ва матонатингизга кўз тикиб турганини бир зум бўлса-да, ёддан кўтарманг! Дастурхонимиз тўкин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон, турмушимиз фаровон бўлиши бугунги меҳнатингизга боғлиқ.

Юртбошимизнинг ишончини оқлаб, мамлакатимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш учун барчангизни сидқидилдан ҳалол меҳнат қилишга чақирамиз!

Бу йилги қишлоқ хўжалиги ишларини ташкил қилишда Сиз, азияларга сийҳат-саломатлик, ишингизга эса унум ва ривож, хайр-барока, улкан хирмон барпо этишингизда муваффақият ва зафарлар тилаймиз!

## ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ

## “Gissar Effect” эффекти


Ота-боболаримиз тарвуз  
экан пайтда тарвуз пишди

(Боши 1-сахифада)

Маълумки, Чироқчи тумани ҳудудига оқар сув кам, ястаниб ётган белоён кенгликлардаги унумдор тупроқ эса нақд "ҳазина"нинг ўзи. Ана шу унумдор тупроқдан самарали фойдаланиш, таъбир жоиз бўлса, ишнинг "кўзи"ни, ернинг "тили"ни топа билиш маҳаллий деҳқонлар учун чўт эмас. Ана шу майдонлардан унумли фойдаланиш, иқлим шароитига мос деҳқончилик ишларини янада такомиллаштириш мақсадида, эртапишар ва лалми, экспортбоп полиз экинлари етиштириш борасида қилинган илмий-амалий ишлар қувонарли ютуқларга сабаб бўлаётганига барчамиз гувоҳимиз.

Соҳа вакилларининг уруғчилик институти олимлари билан биргаликда ишлаб чиққан қўлланмалари асосида мутлақо кимёвий ўғитларсиз етиштирилаётган мева-сабзавот ва полиз экинлари экологик тоза ва соғлиқ учун кони фойдадир.

Кейинги пайтда деҳқончиликда "Чироқчи таҷрибаси" деган ибора пайдо бўлди. Айниқса, туманнинг Кўкдала ҳудудига эртани тарвуз-қовун, бодиринг, булғор қалампирни етиштиришда катта таҷриба тўпланган. Одамлар топқирлиги, ҳалол меҳнати, минг машаққатлар билан сув чиқариб, дала-даштларда экспортбоп маҳсулотлар



етиштиришнинг уддасидан чиқмоқда.

– Чироқчининг тупроғи, иқлими ва 100-120 метр чуқурликдан артезиан қудуқлар орқали чиқарилаётган чучук суви мазали қовун-тарвузлар етиштириш учун жуда қулай, – дейди суяги меҳнатда қотган тадбиркор ва заҳматкаш фермер, вилоят Тарвуз-қовун етиштирувчилар уюшмаси раҳбари Улугбек Жуманазаров. – Бу ишларни амалга ошириш учун фақатгина сабр-матонат ва меҳнат талаб этилади, холос.

Жорий йил баҳорнинг илк кунларидан чироқчиликлар 14 минг гектар майдонга эртапишар тарвуз уруғини қа-

даб, аҳоли дастурхонига ва экспортга 250 минг тоннадан зиёд маҳсулот етказиб беришни режалаштирган эди. Мана тарвуз ортилган илк қарвон ички ва ташқи бозор томон йўл олди. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган нақл бор халқимизда, бу бежизга айтилмаган. Зеро, қаловини топган чироқчиликлар қақроқ чўлда, тиканзор майдонларда ширин тарвуз-қовун, сархил мева ва сабзавотлар етиштириб, халқ дастурхонини бойитиш билан бир қаторда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Муҳаббат ЭЛИБОЕВА,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

## ✓Реклама ва эълонлар

**UzAuto TRAILER** **YANGI OLAM QURUVCHI TEXNIKA** **KAMAZ**  
СДЕЛАНО В УЗБЕКИСТАНЕ

(+998 90) 370-14-00  
(+998 97) 447-88-39

**ТЕХНИКА – СТРОЯЩАЯ НОВЫЙ МИР**

www.uzautotrailer.uz "1-son Avtokorxonasi" MChJ xizmat ko'rsatadi

Махсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. 136-мактабга таълим муассасасининг дўстона муносибати билан бекор қилинади.

\*"O'JA BOVOXON" MChJ (СТПР 200522144) устив жамғармаси 58 500 000 сўм 00 тенгдани 50 142 575 сўм 03 тенгга қайтарилганлигини маълум қилди. Кредиторлар талаби Тошкент ш. Яшилбод т. М.Ашрафий кў. 103 А-й манзилда суғана қабул қилинади.

Тошкент Алоҳид саноат қўллагичи томонидан Азия-Жаноб Абдулқошиқ Нигмат ўғлига 2013 й.да берилган К.№ 3188964 давлатли диплом йўқлигини муносабати билан бекор қилинади.

2013 й. Ф.З.Боровский номидаги табиёт қоллагичи, биологиклар олдига Кенжаева Азиза Абдурашид қизи берилган К.№ 3151512 давлатли диплом йўқлигини муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ДХМ томонидан рўйхатдан ўтган "ADASI IMPRES" MChJ (СТПР 301568516) ўз устив фойдаси 16 618 317 633,19 сўмдан 4 618 317 633,19 сўмга ча қайтарилганлиги маълум қилди. Махлулотлар учун тел.: (+99898) 369-06-01.

Тошкент ш. Яшилбод т. Қўшбети массиви 10-йил 11-кўчадан Теймуров Жуманазар Жамалович номида берилган қадимий қўшбети йўқлигини муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент ш. Яшилбод т. Асалбод 2-массив 11-ўйда жойлашган "OXSERVICE" MChJ (СТПР 305025565) тугатилди.

2010 йил Тошкент давлат техника университетини қўшадиги 5-сонли Академия раий томонидан Қамолитдинов Алшар Тўрқибой ўғлига берилган 1-№ 097076 давлатли дипломига таълим илова йўқлигини муносабати билан бекор қилинади.

Тошкент педагогика коллежи томонидан 2004 й. 8-кўчада Исмаиловлар Нисора Боймуродовна номида берилган 1-№ 205463 диплом йўқлигини муносабати билан бекор қилинади.

**PLANETA SERVIS** **ТРАКТОРВОР.UZ** «МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРА

(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Махсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

Тошкент ш. Миробод т. Госпиталь массиви 2-й 9-кўчадан манзилда жойлашган 002546 реестр рақами "ATEYA - GLAMUR" MChJ (СТПР - 30060734) ягона муассасасини 2019 йил 29 апрелдаги 1-қарори асосида иккитерий тугатилганини маълум қилди. Давлатлар учун тел.: 90-975-00-86

Тошкент ш. Миробод т. Госпиталь массиви 2-й 9-кўчадан манзилда жойлашган 005668 реестр рақами "ELVA STUDY" HTM (СТПР - 207195438) ягона муассасасини 2019 йил 29 апрелдаги 1-қарори асосида иккитерий тугатилганини маълум қилди. Давлатлар учун тел.: 90-975-00-86

## QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳаммаси тарихидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирилари ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ: Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛАЕВ, Абдурашул АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАЙТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рамақул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сўҳроб ЗИЁДУЛЛАЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.  
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги мухбирлар:

Корвалогистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон – (+99893) 630-73-03,  
Бухоро – (+99891) 401-29-59,  
Жиззах – (+99893) 940-10-78,  
Навоий – (+99891) 332-50-99,  
Наманган – (+99893) 948-53-86,  
Фарғона – (+99890) 407-76-03,  
Самарқанд – (+99897) 575-50-67,  
Сирдарё – (+99894) 188-23-90,  
Сурхондарё – (+99890) 520-20-05,  
Тошкент – (+99890) 976-39-58,  
Хоразм – (+99897) 790-47-61,  
Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан

2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-525, ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

6 265 нусхада чоп этилди.

НАШР ИНДЕКСИ – 144

Босишга топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 00.20

ISSN 2010-7021



Нашрият муҳаррири:

С.ЗИЁДУЛЛАЕВ